

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги ТДПУ

АБДУВАЛИ НОРБОЕВ, МАСТУРА ОВЛАҚУЛОВА

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
ХУСУСИДА**

ТОШКЕНТ 2020 йил

Муаллифлар: Абдували Овлакулович Норбоев, Мастура Абдували кизи Овлакулова

Маъсул муҳаррир: т.ф.д., проф. И.Холиқов

Такризчилар: т.ф.н., доц. С. Тўраев
т.ф.н., доц. И.Ҳайитов
ф.ф.н., доц. М.Собирова

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил 23 январдаги 6-сонли йиғилиши баённомаси

Бугун кишини яхшилик сари элтувчи фикр ва сўз, амалий ишлар ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолмоқда. Техника асри жадал ривожланиб, ҳамон олдинга қараб интилар экан, маънан гўзаллик унинг ҳамроҳи, йўлчи-йўлдоши бўлиши керак. Акс ҳолда, инсон ҳаёти замонавий техникалар ва ахборотлар хуружи олдида ҳеч нарсага арзимай қолиши тайин. Чунки, ҳозирги даврда ахборотлар оқими шундай шиддат билан эсмоқдаки, у денгизнинг улкан тўлқинларига ўхшайди ва ўз йўлида учраган ҳар нарсани домига тортиши, йўқ қилиб юбориши мумкин. Ундан фақатгина пойдевори мустаҳкам асос устига қурилган мавжудликкина қолади, холос. Шундай экан бу тўлқинга бардош бера оладиган куч-бу ёшларни илмли, ўз сўзига ва Ватанига собит, ахлоқан гўзал қалб эгаси қилиб тарбияламоқдир.

Ушбу рисолада шу мақсадлар учун бир оз бўлсада ҳисса қўшиш умидида улуғ аллома – Абу Райҳон Беруний ҳаёти ҳамда унинг таълим ва тарбия ҳақидаги қарашлари тўғрисида қисқа фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ - АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**«Улуғ бунёдкор Беруний фаннинг бир катор ҳал
килувчи масалаларида ўз давридан беш юз йил,
балки ундан ҳам кўпроқ олдинга кетган».**

С.П.Толстов

Сўз боши

Дунёда халқлар кўп, давлатлар кўп. Минглаб миллатлар ва турли туман элатлар кўп. Уларни ҳар бирининг дунё тамаддунига қўшган ўз ҳиссаси, маълум миқдордаги улуши бор. Бу улушни эса кимдир кўпроқ, кимдир камроқ қўшиб яшамоқда. Бу табиат қонуни, ривожланиш тамойилидир.

Биз шу замин эгаси, шу халқ вакили сифатида дунё тамаддунига қўшган улкан улушимиз бор, деб айта оламиз. Қомусий олим сифатида Беруний, тиббиётда мадади Сино, аниқ фанларда Ал-Хоразмий, диний илмда имом Бухорий, ҳарб илмида Амир Темур, осмон илмида Мирзо Улуғбек, шеърят ва бадий адабиётда Алишер Навоий олдини кесиб ўтадигани ҳали ҳануз топилмаса керак.

Ушбу услубий қўлланмада эса шундай бобоқолонларимиздан бири - Абу Райҳон Берунийнинг биз учун, замонамиз учун қадрли бўлган таълим ва тарбия хусусидаги кўплаб панду-насихатлари, ўғитлари ҳамда фикрларидан айримлари ҳақида қисқагина тўхталамиз. Зеро, бу фарзандларимиз ва набираларимиз таълим-тарбиясига, уларнинг юксак камолатига хизмат қилсин.

Алломанинг ҳаёт йўли

Алломанинг истеъдодини руёбга чиқарган омил, бу аввало унинг ҳаётга бўлган қизиқиши. Атрофни, унда юз бераётган ўзгаришларни ҳамда улар сабабларини билишга бўлган уринишидир. Шу сабабдан ҳаёт муаллимдир, дейдилар. Ҳа, алломанинг ахлоқий қарашларини ҳам ҳаёт шакллантирган, ижтимоий - сиёсий муҳит унинг дунёвий билимларни эгаллаш иштиёқини янада оширган. Халқимизнинг ажиб хислатлари: ҳалол ва покизалиги, саҳий ва ҳотамтойлиги, чин сўзлилиги Беруний қалбига эзгу хислатларни солган бўлса, не ажаб. Нафақат ўз даврининг, балки барча даврларнинг йирик алломаси бўлган бобоколониимизнинг ҳаёт йўллари ёшлар тарбиясига катта сабоқ бўлар, деган умидда у ҳақида қисқагина тўхталмоқчимиз.

Асли насли Мовароуннаҳрдан бўлган, илм уммонидаги улкан бир тоғ, ҳайратга соларли истеъдод, тан беришга мажбур этадиган ақл, маънан юксакликда енгилмас қудрат, улкан ахлоқий гўзаллик эгаси бўлган Абу Райҳон Беруний кўхна Хоразмнинг Қиёт (ҳозирги Беруний) шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойлардан бирида, камбағал оилада, ҳижрий 362 йил, зулҳижжа ойининг 2 - санаси (милодийнинг 973 йил 4-сентябри) да таваллуд топган. Унга Муҳаммад, деб исм бердилар, яхши ниятлар тилаб, дуо этдилар, умри узоқ бўлсин, деб Яратгандан сўрадилар.

«Беруний» - Муҳаммад ибн Аҳмаднинг нисбасидир. Бу ҳақда Абулҳасан Бағдодий «Татимаи сувонул ҳикма» китобида, Берунийдан 100 йил кейин яшаган Марвли Самоний «Китобул ансоб»ида шунингдек, араб сайёҳи ва географи Ёқут Ҳамавийларнинг асарларига келтирилишига кўра «Беруний», «шаҳар ташқарисида», деган маънони беради. Немис олими Захау, рус тарихчиси, академик Крачковскийлар ҳам уларнинг бу фикрларини тасдиқлайдилар. Айрим манбаларда «Беруний» хоразмча «ғариб»дир деган жумлалар ҳам учрайдики, бу алломанинг шаҳар ташқарисида туғилганлигини исботловчи яна бир далилдир.

Абу Райҳон унинг кунияси - яъни, Райҳоннинг отаси демакдир. Отасининг исми эса Аҳмад.

Аллома қандай оилада туғилганлиги ҳақида узил - кесил бирон бир фикр айтилмаган. Бироқ, унинг ўз асарларида учрайдиган айрим фикрлари уни камбағал оилада туғилган, деган хулосага олиб келади.

Аллома дастлабки таълимни киндик кони тўкилган юрт Хоразмда олади. Беруний болалигиданок илмга жуда чанқоқ бўлган. Унинг ёзишига қараганда, Хоразмга бир юнонлик кўчиб келади. Беруний жуда ёш бўлишига қарамай, унга турли ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларни кўрсатар ва уларнинг юнонча номини сўраб, дафтарига ёзар ва ёдда сақлашга ҳаракат қилар эди. Бу эса унинг юнон тилини эгаллашга астойдил киришганлигидан ва илмга чанқоқдигидан дарак беради. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» ва бошқа асарларида кўплаб юнон манбалари ва улар ҳақидаги маълумотларнинг келтирилганлиги уни ҳинд, араб, форс ва бошқа тиллар билан бирга юнон тилини ҳам чуқур билганлигидан хабар беради. Тилни билган элни билади, албатта. Аллома ҳам элни билган фозил кишилардан эди.

Ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳамда олимнинг илмга бўлган зўр иштиёқи уни Хоразм юртидан узоқ-узоқларга етаклаб кетади. Ёшлигиданок, илм излаб умргузаронлик қилган олим 22 ёшида Хоразмдан Журжонга келади. Орадан 5 йил ўтиб, аллома ўзининг энг йирик асарларидан бири, жаҳон илмий тафаккурининг ноёб хазинаси - «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли китобини ёзиб, Журжон вилояти ҳукмдори Қобус ибн Вашмгирга тақдим этади. Бу милодий 1000 йил эди. Асар Беруний обрўсини ҳаётлик давридаёқ ниҳоятда ошириб, нафақат Шарқ дунёсига балки, асрлар давомида инсоният оламига ёйиб келмокда. Шу йўсинда олим Қобуснинг хизматида маълум вақтгача туриб қолади.

Табиийки, ҳар бир оқил подшоҳ ёки ҳукмдор ўз ёнида доно ва билимли вазир бўлишини хоҳлайди. Берунийда илм, фозиллик, ростгуйлик, покизалик, ҳалоллик, фаҳму - фаросатлилик,

ҳозиржавоблик ва истеъдодни кўрган Қобус ибн Вашмгир уни ўз саройига вазирлик лавозимига таклиф қилади. Бироқ олим вазирлик илмий изланишлардан четлатиб қўяди, деган фикр ила Вашмгир таклифини рад этади ва у илм излаб 1004 йили Журжондан Райга келади. Бир оз муддат бу ерда бўлиб, яна Журжонга қайтади. Бу пайтда у эндигина 31-32 баҳорни қарши олган эди.

Ватан соғинчи, киндик қони тўкилган она юртни қумсаш Абу Райҳон Берунийни Журжондан Урганчга етаклайди. Бу вақтда Хоразмшоҳ - Маъмун ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган, Урганчни нафақат кучли сиёсий, балки маданий-маърифий марказга ҳам айлантирган эди. Аллома ҳақидаги, унинг билими ва фозиллиги тўғрисидаги овозалар ҳам султон саройига, шунингдек, Маъмуннинг қулоғига ҳам етиб борган эдиким, бу олимнинг 1017 йилгача «Маъмун академияси» да фаол илмий изланишлар олиб боради. Маъмун ва Беруний дўстлиги қарор топди.

Маъмун ҳам ўз ўрнида олим билан яхши муносабатда бўлади ва Берунийни ўзининг энг яқин дўстларидан, деб билади. Берунийнинг иззатини ўз ўрнига қўяди.

Ҳикоя қилинишча, кунларнинг бирида Маъмун чопар жўнатиб, Берунийни саройга таклиф қилади. Аллома шоҳ амри вожиб эканлигини билсада, ўзи ўтказаётган тажрибага қизиқиб, чопарнинг хабари хаёлидан фаромуш бўлади. Орадан маълум бир вақт ўтгандан сўнг Берунийга Маъмуннинг ўзи келганлиги ҳақида хабар келади. Буни эшитган олим шошганича кўчага чиқса, шоҳ Маъмун отдан тушаётган эди. Беруний отнинг жиловидан ушлаб, Маъмунга ўз узрини айтаётганда, шоҳ кулимсираб “Ҳеч қачон илм шоҳнинг олдида бормайди, аксинча шоҳлар илм олдига борадилар” дейди ва Берунийни бу вазиятдан қутқазади.

Бу кичикгина воқелик, аслида ўрнатилган бўларли ҳодиса. Бу воқеликдан айтиш мумкин бўлган икки хулоса бор. Биринчиси, ўша даврда шоҳлар илму-фан тараққиётига катта эътибор берган, илму-маърифат учун шароит ва имкониятлар яратиш, илм аҳлини ҳурмат қилганлар ва азиз

тутганлар. Иккинчиси, кимки илм - фан эгаларини улуғлаб, уларга имкон берса, унинг ўзини Тангри ёрлақаб, абадиятга яхши ном билан Маъмун каби дахлдор қилиб қўяди.

Шу ўринда, алломанинг шоҳ Маъмунга билдирган миннатдорчилигини келтиришни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

**Маъмунларнинг авлодидан ул Али,
Бўлди табиб, дард кўрмади ҳеч жоним.
Сўнгги Маъмун назар солди ҳолимга,
Бошим кўкка етказди ул султоним,
Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,
Ўтди неъмат соясида кўп оним.
Бокди Ироқ оиласи сут билан,
Нихол эдим Мансур бўлди дармоним.**

Оқар дарё оқаверади, умр-йўл ўтаверади, вақт тарих ғилдирагини айлантирганча, инсоният тақдирини ҳам ўзгартираверади. 1017 йил Хоразм Ғазна султони Маҳмуд томонидан қарам қилингандан сўнг кўпгина йирик олимларни тақдир сарсон-саргардонлик ила узоқ - узоқларга етаклаб кетди. Абу Райҳон Беруний ҳам шундай тақдир қучоғига ташландики, у ғазналик Маҳмуд ва унинг авлодлари саройида умрининг охиригача қолишга мажбур бўлди. Бироқ, Ватан туйғуси, она замин ҳисси уни ҳар доим Хоразмга-беғубор ёшлиги ўтган юртга чорлаб турар эди.

Аллома 13 йил Маҳмуд Ғазнавий саройида хизматда бўлди. Султон Маҳмуд вафотидан кейин унинг вориси Муҳаммад (1030-1034 й.й.) ва Масъуд (1034-1042йй.) ва ундан кейинги ҳукмдорлар саройида ҳам хизмат қилди. У султон Маҳмуд ҳақида шундай эслайди:

**Неъматини Маҳмуд дариғ тутмади,
Жаҳолатим авф айлади ҳурматлаб,
Кўрмасликка олди доим нуқсоним.
Обру юксак, туним янги, бут ноним.**

Ушбу мисралар Берунийнинг Маҳмуд саройида тўкин-сочинликда яшаганлигидан далолат беради. Айни пайтда султон билан аллома

ўртасида бўлиб ўтган кескин воқеалар ҳам Маҳмуд томонидан кечирилганлигини билдиради.

Аллома 1048 йилда Ғазна шаҳрида бандаликни бажо келтиради.

Олим қолдирган бой илмий мерос нафақат инсоният тамаддуни тараққиётида, балки кишиларнинг ҳар томонлама етук комил инсон сифатида шаклланишида ҳам катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Беруний мероси

Бугун дунё халқларининг ўтмишига, мозийдан акс-садо бераётган моддий ва маънавий меросига бир назар солган ҳар қандай киши ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси борлигини кўради. Агар дунё харитасини стол устига қўйиб, инсоният ўтмишида бой маданий мерос қолдирган ҳудудни изламоқчи бўлган инсон Ўзбекистон акс этган жой устида тўхталмасдан иложи йўқ. Чунки бу замин ўзининг алломалари, фозилу-фузалолари, илми ислом аҳли, шунингдек, ўзидан қолдирган маданий бинолари билан дунёни ҳайратга солган. Абу Райҳон Беруний ва у қолдирган китоблар, уларнинг илмий аҳамияти ҳамда биз учун ҳамон ўз қадрини йўқотмаган панду-насихатлари билан бойлиги жаҳон аҳлини ўзига тортиб келмоқда.

IX-XII аср Шарқ Уйғониш даврини Шарқдаги ҳақиқий иккинчи ренессанс даври, деб аталса, аждодларимиз олдида, улар қилган буюк меҳнатларини эътироф этгандек бўламиз (Чунки, “Авесто” китобига бир назар солган ҳар қандай одам, унда ўз даврида бу заминда инсоният ҳаёти, унинг барқарор ривожланиши учун ўта зарур омиллар илмий асосда тушунтириб берилганлигини кўради. Таъкид муаллифники). Бу даврда Хоразм иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига қадам қўйди. Хоразмшоҳ, унвонини қабул қилган амир Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) ва ўғиллари Али ибн Маъмун (997-1009), Маъмун ибн Маъмун (1009- 1017)лар Хоразмда мустақил давлатга асос солди ва уни ривожлантирди. Мамлакатда тинчлик ва осойишталик қарор топиб,

иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожлана боради. Кот, Хива, Хазорасп, Гурганж ва бошқа шаҳарларда илм-маърифат ривожланди. Хоразмшоҳлар саройига турли юртлардан йирик олимлар - Абу Наср Ирок (958-1036), табиб, математик, файласуф Абу Али ибн Сино (980-1037), астроном ва математик Абу Мансур ал-Хужандий, табиб ва файласуф Абу Сахл Масихий (997-1016), Абу Хайр Хаммор (942-1018), тарихнавис олим Абу Али Аҳмад Мискавий (ваф. 1030), тарихнавис ва адабиётшунос Абу Мансур ас-Салибий (961-1030) каби 300 дан зиёд олимлар «Дорул-хикма ва маориф» да фаолият олиб борганлар.¹

Тарихдан маълумки, «Дорул - хикма ва маориф» («Билимдонлик ва маориф уйи»)да² турли соҳа олимлари самарали тадқиқотлар олиб бориб, фанда буюк кашфиётлар килдилар, бебаҳо асарлар ёзиб қолдирдилар. Бу академияда турли миллат вакиллари хизмат қилган бўлиб, улар ўртасидаги дўстона муносабат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам илмий изланишларда эришилган улкан ютуқларнинг муҳим гарови ҳисобланган.

Абу Райҳон Беруний «Маъмун академияси»нинг энг истеъдодли олимларидан эди. У фаннинг деярли барча соҳаларига оид 160 га яқин бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Ёқут Ҳамавий Марв шаҳридаги Жомий масжидининг вақфномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда қилиб ёзилган рўйхатини кўрган. Унда Берунийнинг 113 та асари кўрсатилган бўлиб, ундан кейин ҳам олим 13 йил мобайнида тинмай ижод қилди, тадқиқот ишларини олиб борди.

Берунийшунос олим П.Г.Булгаковнинг таъкидлашича, Абу Райҳон Беруний жами 10 минг қўлёзма варақ асар ёзган. Агар, шуларнинг ҳаммаси босма усулда нашр этилса, ҳар бири 35 босма табокдан иборат 40 жилдли «*Беруний асарлари тўплами*» ҳосил бўлар экан³.

¹ С.Ўлмасов, Н. Очилов, «Абу Райҳон Беруний буюк қомусий олим». «Fan va texnologiyalar» нашриёти, Т.2013 й., 23-бет

² А.Мухаммаджонов, «O'zbekiston tarixi» 7- sinf, «Sharq»nashriyoti 2009 y., иет - 75

³ . С.Ўлмасов, Н. Очилов, «Абу Райҳон Беруний буюк қомусий олим». «Fan va texnologiyalar» нашриёти, Т.2013 й., 26 - бет

Абу Райҳон Берунийнинг асарларидаги кашфиётлар, айниқса, унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», “Сайдана” ва бошқа асарлари ўз замонасидаёқ унга улкан шухрат келтирди. Бу асарлар ҳозирги кунда ҳам олимлар ва китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган, тарихий илмий манбалар бўлиб қолмоқда.

Асарлар қаъридан қўл чўзган боболар

Ўзликни англаш аввало ўзини ким эканлигини англашдан иборат. Бу юксак инсонийликнинг энг олий туйғусидир. Унга шу халқнинг ўтмиши, боболари томонидан амалга оширилган ва абадиятга муҳрланган ишлари, қаҳрамонликлари, қолдирган бой маънавий ва маданий мерослари ёрдам беради. Уни қўллаб-қувватлайди. Шу боисдан ҳам тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси ҳисобланади.

Бундан 15-20 йиллар илгари мамлакатимизда «Ўзбекистон - ягона Ватан» шиори остида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» барпо этиш ғояси илгари сурилган эди. Замон бир жойда турмайди. Инсон ва жамият бор экан, у доимо ўсиш, ривожланиш ва тараққиётда. Чунки кишилар онги, дунёқараши, фикрлаш ва тафаккури бир жойда қотиб қолмайди. Кечаги орзу ва хаёл билан яшаётган халқ бугун ривожланишдан орқада қолиши, қайсидир бир маънода ўзгаларга тобе бўлиши турган гап. Шу боисдан ҳам ўтган даврни том маънода миллий тикланиш даври, деб атадик. Барпо этишимиз керак бўлган жамият учун қилаётган барча ҳаракатларимизни эса миллий юксалиш, деб баҳолаш мумкин. Зеро, бугунги кунда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган паллада, жамият ва давлат юксалишида асосий ўринни ҳар томонлама мукаммал билим ва дунёқарашга эга бўлган кадрлар ҳал этмоқда. Бундай паллада фақатгина замонавий билимга эга бўлиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш билан муайян мақсадга эришиш мумкин, деган халқ барибир вақти келганда орқага кета бошлайди. Бунга тарих гувоҳлик беради.

Дунё рақобатида кучли билим эгаси бўлган, замонавий фан ва технологияларни яхши билган, маънан юксак, ахлоқий етук кадрларгина узлуксиз муваффақиятларга эришиши мумкин.

Ҳар қайси жамиятда илм улуғланса, уни кашф қилувчи - илм эгалари азиз тутилса у ерда кучли қувватга эга бўлган латиф бир муҳит пайдо бўлади. Акс ҳолда унинг тескариси юз беради. Одамларнинг турли ғийбат ва ёлғонларга берилиши кучаяди. Раҳбардан, ўзини ғоз тутиб юрганлардан тезроқ бешиш бошланади. Юзаки кулгилар ва ёлғон муносабатлар авж олади. Бундай жамоа ёки халқ тезроқ парчаланади. Ўзгаларга мутъе бўлиб қолади.

Шу сабабдан аллома илм ва унинг эгаларини улуғлаш ҳамда муътабар билиш кераклигини кўрсатиб, шундай дейди:

“Илмлар кўндир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳилларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар (илмлар билан шугулланиши) учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам, илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.”¹

Аллома илмнинг орқага кетишини талатўп замон даврида илм аҳлига берилмай қўйилган эътибор, деб билади.

Зеро, яқин йиллар ичида юртимизда илм аҳлига бўлган эътиборни янада ортганини кўришимиз мумкин. Айниқса, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таълим тизимига алоҳида эътибор қаратиши, олимлар билан қатор учрашувларида уларга берилган ваколат доираларини кенгайтирилиши, ўқиш учун интиланган ҳар бир киши учун илмгоҳлар

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й., 125-бет

эшигини кенг очилиши, фикримизнинг далилидир. Ўзбекистонни яна ўша буюк алломалар юртига айланиши учун диний ва дунёвий илмгоҳлар янада кўпайиб, шахсан юртбошининг ўзи бош бўлиб тургани таҳсинга лойиқдир.

Тарих келажакни белгиловчи омил, ундан чиқарилган хулоса эса, хато ва камчиликлардан асровчи йўриқнома. Гап эса ундан қандай хулоса чиқаришга боғлиқ. Шу сабабдан ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок тарихимизни ҳаққоний ёзиш ва ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Кейинги пайтларда тарихимизни янада чуқурроқ ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан “O‘zbekiston tarixi” телеканали ташкил этилди. Бу телеканал олдидаги асосий вазифа юртимиз тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва аҳолининг барча қатламлари орасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Чунки, тарих – аجدодларимиздан қолдирилган бой илмий, фалсафий, бадиий, диний ҳамда аجدодларимизнинг буюк ўтмиши ҳақида сўзлагувчи маънавий мерос, яъни ким эканлигимизни кўрсатиб турадиган нурли чироқдир. У миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари бўлган: Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларни яшаш дахлсизлиги каби халқаро ҳуқуқлар, инсоний қарашлар ва дунёвий билимларга асос бўлган улкан манбадир.

Миллий мафкурамизнинг теран томирлари аجدодларимиз ижтимоий ҳаёти даврида яратган фалсафий, ахлоқий, маънавий қарашларига, улар эришган дунёвий билимлар даражасига, ҳаёт тажрибаларига асосланади.

Мафкурамизнинг теран томирларидан бири - асрлар қаъридан бўй чўзиб турган бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий - ахлоқий қарашларидир. Алломанинг бу қарашлари «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида алоҳида таъкидланган. Мутафаккирнинг бу қарашлари ўзининг маъно-моҳияти,

мазмунни ва мақсади жиҳатидан комил инсонни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, комил инсонни тарбиялаш орқали улкан ютуқларга эришиш, қалб гўзаллиги билан ақл салоҳияти уйғунлиги орқали буюк чўққиларни забт этиш мумкин.

Бугун асрлар қаъридан қўл чўзиб, бизга ўзининг улкан ва бой илмий, маданий ва маънавий мероси билан кўмак бераётган, доно панд –насиҳатлари ва ўғитлари билан ҳар биримининг ҳаётимизда кириб бораётган аجدодларимиз меросини қайта ва қайта ўрганишимиз жуда ҳам зарур.

Беруний маҳорати (технологияси)

Бугун таълим соҳасидаги ўзгаришлар шитоб билан олдинга қадам қўймоқда. Таълимда бир қадам орқада қолиш мамлакат тараққиётини ўзгага мутъе қилиб қўйиши, тарбияда берилмаган бир сониялик эътибор жамиятни маънан бировга қарам қилиши мумкин. Чунки, бугун сарҳад билмас ахборот оқими вақт ҳам, ҳудуд ҳам, маъно ҳам танламайди. У ўта кучли қуролга, қимматбаҳо маҳсулотга, руҳий таъсир эта оладиган мафкуравий кучга айланиб улгурди. У ҳар қандай жамиятни инқирозга ёки уни тараққий эттира оладиган кудратга эга бўлди. У илм, билим, тарбия, ғоя, мафкураларнинг талқинига боғлиқ, холос. Шунинг учун ҳам қайси халқ илмли ва маънан бой бўла олсагина, у замонанинг олдида бўлиши тайин.

Бу эса илмнинг ёшлар онгига қандай етказилаётгани билан боғлиқ. Яъни бунда ўргатувчининг билими ва маҳорати ҳамда ўрганувчининг зийраклиги ва истаги ўртасидаги муносабат муҳим ўрин эгаллайди.

Қандай қилинса, ўқувчи кучли ахборот босимидан озод бўлиб, мақсад сари йўналтирилган илмни чуқурроқ эгалайди?

Ўқитувчининг дарсидаги энг катта ва фойдали қуроли унинг билими ва шу билимни ўқувчига етказа бера олиш қобилияти (тилнинг равллиги, оддийликдан кўламлилиқка, ундан мураккаблиқка интилиши) дир. Демак, дарсида шунга лойиқ ўқитувчи бўлса унинг

оқибати гўзал ҳамда самаралироқ бўлади. Дарс пайтида турли техник воситалар, слайдлар, видео, аудио ёзувлардан фойдаланиш, турли хил бичимдаги рангли қоғозлардан алланималар яшаш ва бошқалар эса иккинчи ўринга чиқади. Унутмаслик керак, яхши шифокор техник воситаларни ўзининг ёрдамчилари, билимини эса асосийси деб билади. Ҳозирги кунда бунинг акси юз бераётгандек, яъни техник воситалар, слайдлар олдинги қаторга чиқиб олгандек назаримизда.

Шу ўринда юқорида айтилган ўқитувчининг хислатига эътибор қаратайлик. Талаба бир мавзунини деярли икки соат тинглайди. Тинглаш қобилиятинини шунча вақт давомида бир мавзуга қаратиб туриш мумкин эмас. Кимдир шошиб шунинг учун техник воситалар, слайдлар ва бошқа нарсалар қўллаш керак деб, ҳам қолиши мумкин. Бунга қайтгунга қадар бир оз тин олиб, тарихга аجدодлардан қолган билим бериш санъатига ёки маҳоратига (бугунги кунда бу технология, деб аталмоқда) эътибор қаратайлик.

Мадраса кўрган боболаримиз Қуръони Каримни ёд олган, ҳадисларни оғзаки айтишган, нутқлари равон, овозлари чиройли бўлган. Қаердаки нутқ ирод қилишса бутун жамоани ўзларига жалб этиб, соатлаб уларнинг эътиборини қаратиб турган. Хўш, бундай таълим ва тарбияда улар қандай усул қўллашган? Шу ўринда бир нарсани айтиш жоиз, хорижий мамлакатлар олимлари ва педгоглари самарали деб, исботлаб берилган кўпгина усуллар аجدодларимиз томонидан аллақачонларданок қўлланилган. Европа таълим тизимида асосий эътибор илмга, яъни, соҳага оид чуқур билимга, бизда эса чуқур илм ва тарбияга йўналтирилган. Қайси устун? Европача усул, деганлар аллақачон адашганлар ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар, дея олган давлатларимиздан кўп нарса ўрганса бўлади. Лекин, уларнинг ҳаммасини бир жойга жамлаб хулоса қиладиган бўлсак, улар аслида Шарқдан ўрганган ва уни охиригача қўлламаганлиги оқибатида шитоб билан жарга қуламоқда. Тарғиботни кучлилигини қарангки, шу қулашни ҳам инсонпарварлик ғоялари остига олиб “ДЕМОКРАТИЯ”, деб аташмоқда. Ишонмаслик мумкин. Сизни инонтириш учун бир

нечтагина мисол айта қолайлик. Биринчи мисол, интернетни яратилиши. Бир пайтлар, у аниқроғи 1969 йилда ҳарбий соҳада ахборот узатиш хавфсизлигини таъминлаш учун АҚШ қуролли кучларида қўлланила бошланди. Савол, нега фуқаро соҳасида эмас?. Иккинчи мисол, урanni тўйинтириш инсоният учун буюк кашфиёт бўлди. Кишиларни энергияга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконияти пайдо бўлди. Нега у бугун инсониятни қириб юборувчи қуролга, айрим давлатларнинг кўрқитиш воситасига айланди?. Учинчи мисол, айнан ўша олис ўлкаларда бир жинсли кишиларнинг бир никоҳ остига бирлашувига қонуний йўл қўйилди. Нега шундай бўлди?. Тўртинчи мисол, Оила деган муқаддас тушунча таназзулга юз тутди. Сабаб нима? Саволларга жавобни ўзингиз беринг. Биз эса унинг асоси тарбия эди, деймиз, холос.

Демак, таълим билан тарбиянинг ўзаро уйғунлиги бизни кўплаб ноҳушликлардан сақлаб келмоқда. Шу сабабдан бўлса керак, бизда кўплаб қомусий олимлар вояга етган ва энг асосийси фаннинг турли соҳаларида ижод қилсаларда тарбияни, ҳалоллик ва адолатни, яъни жамиятни асраб қолувчи омилларни биринчи ўринга қўйганлар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ҳақида айтишганидек, у киши ижод қилган соҳани эмас, балки ижод қилмаган соҳани санаб бериш осонроқдир. Шу ўринда, алломанинг ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган панд-насихатларини кейинги саҳифаларга қолдириб ҳозирги кун тили билан айтганда, педагогика, методика соҳасида ҳам анчагина ишни амалга оширганликларини қайд этмоқчимиз. Яъни аллома ўз асарларини ўқимишли қилиш, ўқувчи фикрини жалб этиш учун турли усуллар: маълумотлар аниқлиги, уларни солиштириш учун бир мавзуда турли фикрлар мавжудлиги, ўқувчига хулоса қилиш учун имкониятлар беришлиги, зарур пайтларда эса қатъий фикрлар билдириб ўтганлигини кўрамиз.

Бугунги кунда дарс ўтиш санъати (технология) да турли номдаги - Блум, Венн, Балик, Атиргул каби технологиялар қўлланиб келмоқда. Биз буларни эътироф этган ҳолда, Абу Райҳон Берунийнинг “Ранг-

баранг боғ” технологияси¹ ҳамда «Кичикдан кўламга, оддийликдан мураккабликка” усулини қўлласа бўлмайдами? Ўйлаймизки, бу усуллар ўқувчи-талаба ҳамда тингловчини зериктирмай, ўзига жалб қилиши аниқ.

Аллома ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида шундай бир ажойиб жумлаларни келтиради. У ўз асарларини ўқимишли қилиш учун ранг-баранг боғларга ўхшатиб ёзганини таъкид этади. Мана ўша таъкид: «Гарчи биз (бу китобнинг) баъзи жойларида турли фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узоқ (масалаларга) киришиб кетсак ҳам, бу гапни чўзиш ва кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади.(Ўқувчи) фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши “ҳар бир янги нарсада лаззат бор” дейилганидек, уларни (кўришга) қизиқади ва кўздан кечиришни истайди.»

Албатта, бир хиллик ҳукмрон бўлган жойдан, дарсдан, суҳбатдан киши тезроқ зерикади ва ундан қочишга интилади. Шу сабаб Абу Райҳон Беруний ўз асарларини ранг-баранг боғга ўхшатиб ёзади. Бу боғга эса ҳар хил мевалар, гуллар ва бошқа ўсимликлар экилган. У ўзининг меваси, ҳиди ва гўзаллиги билан кишини зериктирмайди. Токи, унинг асарларини қўлга олган одам ҳам шу боғга оралагандек кезсин, уни охиригача ўқиб чиқсин ва билимли бўлсин.

Бугунги кундаги долзарб масала - сифатли кадрлар тайёрлашдаги муҳим омил фанлар ўртасидаги узвийликдир. Бу эса бундан минг йил олдин, бобомиз Абу Райҳон Беруний томонидан илгари сурилган санъат, дейишимиз мумкин.

¹ Норбоев А.О., Мадаминава Н.З. ЎЗР ОЎМТВ микёсидаги “Демократик ислохатларни чуқурлаштириш жараёнида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари” илмий –амалий анжуман материаллари “Ёшларнинг ижтимоий-фаоллигини оширишда таълим технологияларининг самарадорлиги”. 2018 й., 60-бет

Бу маҳоратни нафақат ўқитувчи, балки тарбиявий соат олиб борадиган мураббий, жамоат олдида нутқ ирод қилаётган тарғиботчи ҳам кенг қўллаши мумкин.

Бу қисқа вақт ичида маҳорат дарслари самарадорлигини оширади, талабанинг дарсга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиради, ўқитувчининг обрўсини юксалтиради ҳамда кўзланган мақсадга эришилади. Яъни, киши боғдан бир хил мева эмас, балки турли хилдаги мевалар билан чиқиб кетади ва бундай боғга бот-бот келиб туради.

Бу дарс бериш санъати ўқитувчидан мавзуга оид алоҳида тайёргарликни талаб этади. Тегишли дарс давомида ўқитувчи мавзуга оид фақатгина бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўхтаб қолишга ҳаққи йўқ. Чунки инсоният ҳаётининг барча соҳаларини илмий далилларга асосланган, воқеликларга бой, башариятнинг ҳозирги ҳолати билан узвий ва изчил тушунтириб бера олиши шарт.

Дарс пайтларида кузатиладиган катта камчилик ёшларимиз эшитган атамалар ёки терминларни, уни сўзлаётганда эса ишлатишади. Бироқ, айнан шу сўз моҳиятини сўраганда, кўплари тушунтириб бера олмайди. Сабаб нима? Бизнингча сабаб ўқитувчини дарс жараёнида “Кичикдан кўламга, оддийликдан мураккабликка” усулидан фойдаланмаётганидир. Чунки дарс ўтаётган пайтда ҳар бир сўз моҳиятига эътибор қаратиш ўқитувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Сўзларни мураккаблаштириш ва ўқувчини онгига, у тушунмайдиган зерикарли сўзларни тикиштириш ўз-ўзидан таълим самарадорлигини туширади ва ўқувчининг қизиқишини сусайтиради. Шундай экан ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчининг ёши, унинг олдинги эгаллаган билимларини эътиборга олиб дарсни ташкил этиши яхшироқ самара беради. Шу билан бирга содда сўзлар кўпроқ ишлатилса, мавзунини кенг ва ҳар томонлама ёритиб бериш учун вақт ҳам тежалани, ўқувчилар ҳам кўпроқ илм олади. Дарс эса самарали бўлади.

Хўш, энди ўйлаб кўрайликчи, бу усулни бундан минг йиллар олдин боболаримиз қўллаган ва юксак самарага эришган. Шу маънода

бугун буюк тарбиячи ҳисобланган аجدодларимиз меросига бир назар солсак, шу соҳа бўйича илм қилаётган ёшларимизга, “ўзимизникилардан кимларни ўргандинг, қани сўзлачи” десак, аجدодлардан қолган ва ўқилишини ҳамда дунё юзасига олиб чиқилишини кутиб ётган усулларимиз юзлаб топилса не ажаб.

Абу Райҳон Берунийнинг “Ранг-баранг боғ” технологияси ҳамда “Кичикдан кўламга, оддийликдан мураккабликка” усули дарс жараёнида билимларни ўзида умумлаштиради;

- ўқувчиларни ҳар томонлама билим олишга ундайди, зериктирмайди;
- фанлар ўртасидаги ўзаро узвийликни таъминлайди;
- сабабларини аниқлайди;
- уларни баҳолайди;
- бўлаётган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини билдиришга ундайди.

Абу Райҳон Беруний киши илм олмоқчи ва унинг соҳибига айланиб халосга етмоқчи бўлса у ёмонликдан тийилиши зарур, деб билади ва шунга амал қилади. *“Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир. Шу асослар қирқилса, шохобчалар сўлади; у асосан иштаҳа ва ғазаб қувватларининг йўлбошчилигидан келиб чиқади. Бу икки қувват инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, улар инсонни овқатлардаги лаззат ва ўч олишдаги роҳат билан алқайдилар. ... Уларга берилган инсон, йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвонларга, ҳатто шайтон ва иблисларга ўхшаб қолади.”*¹

Аллома келтирган шайтон ва иблислар ҳар доим ҳам мавжуд. Улар ўша кун ҳадисини олиб, тилга зўр берадилар, ўзларини ҳар нарсадан холи, муштипар ва адолатли қилиб кўрсатишга уринадилар. Энг ажабланарлиси, ўзлари қилаётган қабих ишларни лаънатлаб ваъз айтадилар. Уларни бу қилиғини кўрган шайтон ҳам лол қолса ажаб эмас.

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й., 70-бет.

Аллома илм эгаллаш ҳақида тўхталиб, *“Яна, бошқа қувватларни қўйиб ақлга мос келадиган нутқ қувватини эгаллаш билан илм ҳосил бўлади. Бу қувватга эга бўлган инсон тангри даргоҳига яқин турувчи фаришталарга ўхшайди.*

*Яна, дунё ишларидан юз ўгириш натижасида илм ҳосил бўлади. Лекин инсон, харислик ва зўрликдан иборат дунё ишлари сабабларини ўзидан кетказгандагина унинг ишларидан юз ўгира олади.”*¹ деб ёзади.

Умуман олганда, илм олиш фақатгина уни ўргатувчидан эмас, балки ўрганувчидан ҳам алоҳида хусусиятларни, яъни яхши хулқни талаб қилади. Ҳолбуки бундай хулқ бўлмаган жойда илм ҳам, ўсиш ҳам, маънавий комиллик ҳам бўлмайди.

Аллома инсон қалбидаги айрим иллатларнинг пайдо бўлиш сабабларини келтириб ўтганини ҳозирги кун илмий тадқиқотчилари учун ҳам ўта зарур, деб биламиз. Чунки, ҳозирги кунда олиб борилаётган кўплаб тадқиқотлар атрофлича эмас, балки тор бир йўналиш бўйича олиб борилиб, фақатгина шу ерда қолиб кетмоқда. Алломанинг биз келтирмоқчи бўлган фикри кейинги даврларда кўплаб илмий изланишлар олиб борган олимлар хулосаларини анча олдин баён қилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга Абу Райҳон Беруний асарларининг энг ўқимишли томони ҳар бир масалани атрофлича, бошқа соҳалар билан ўзаро боғлиқлигини ҳам чуқур таҳлил этган ҳолда, солиштиргандан кейингина хулоса қилиб, оддий, содда ҳамда далилларга асосланганидадир.

Шу билан бирга аллома асарларида билдирилган фикрлар кишини ўзига жалб этади, ўқиган одамда бирон-бир янги фикрни пайдо бўлишига олиб келади, уни мушоҳада юритишга мажбур этади. Масалан, унинг “Ҳиндистон” асаридан келтирилган ушбу матнга эътибо берайлик: *“Юнонларнинг ер ҳақида (турлича) фикрлари бор. Улардан бирини мисол олса бўлади. Аниқки, ер усти ва остида кетма-кет бўлиб турадиган ҳар хил офатларнинг ҳолат ва миқдор жиҳати*

¹ Ўша жойда, 70-бет

турлича бўлиб, кўпинча уларнинг сифати ёки миқдори ёки барабарига иккови зўрайиб, кенг ерга тарқалади. Ундай вақтда (улардан сақланишда) ҳийла ишлатиш ва қочишнинг фойдаси бўлмайди, ерга келадиган офатлар эса оммани зарқ қиладиган тўфон ва ютиб ҳалок қилувчи ер қимирлаш, ердан отилиб чиқадиган қайноқ сувга ботиш, ўт тушиб куйдириш, қиздирилган чўғу тош ва куллар отилиши, яшин тушиш, девор, томлар қулайдиган даражада қаттиқ овоз чиқиш, жуда кучли шамол кўтарилиши, вабо сингари касалликлар пайдо бўлиши, инсонларга ва тўрт оёқли жониворларга қиргин келиши каби ҳодисалардир. Агар кенг бир ер, ўз устида яшаб турган халқ бир офатга учраб ҳалок бўлса, у ер бўшаб қолади, лекин у ердан офат кўтарилиши билан бундан илгари тоғ тепаси ва унгурларга, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб, қочиб таралган халқ қайтадан ўз жойига тўплана бошлайди ва бир-бирларига ёрдамлашиб душманлари бўлган йиртқич ҳайвонлар ёки инсонларга қариши туриб, шаҳар қуриб яшай бошлайдилар, улар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, тинч эминлик ва хурсандчиликда то кўпайгунларигача яхши яшайдилар. Кўпайганларидан кейин уларда бир-бирига қаришлик ва ғурурланиш пайдо бўлади. Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келиб, тоза ва чиройлик ҳаётларини хира ва кудуратлик қилиб юборади. Кўпинча, у жамоалардан бири пушт-насабда ажралади, у эса бошқалардан илгари ўша ерга келганлигидан ёки ўзга бирор нарса сабаб бўлиб, бошқалардан айрилади. Кўп вақтлар ўтиши билан (жамоат) ўшанда бошқани танимайди.”¹ Ушбу фикрлар, бир томондан, археология фанида турли табиий офатлар, жумладан зилзилалар қадимги шаҳарлар ўрнида ўзига хос маданий қатламларнинг яратилишига сабаб бўлган омиллардан бири, деб хулоса қилишга ҳамда инсонлар ўртасидаги ҳасад ва кўраолмаслик кишиларни тўғри йўлдан оздиради, деган фикрни пайдо қиладди. Иккинчи томондан, ҳар қандай

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й., 284 -бет

фан табиат ва унинг неъматларини эътиборга олиши лозим, деган фикрни юзага келишига олиб келади.

Бугунги кунда табиий офатлар, уларнинг даврлар ўтиб дахшатли куч билан содир бўлиши ва шаҳар-қишлоқларни вайрон қилиб ташлаганлиги ҳақида тарихда кўплаб маълумотлар учрайди. Айниқса, улар дарё ва бошқа сув ўзанларини ўзгаришига, бир жой аҳолиси иккинчи жойга кўчиб кетишига мажбур этган омил ҳисобланади. Вақт киши қалбидан ғуборларни кетказиши, тупроқ эса вақт мобайнида кўчиб ўзга жойлардаги янги далилларни беркитиб юбориши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Абу Райҳон Беруний асарларининг ёзилиши турли хил усулларнинг моҳирона қўлланилганидан далолат беради. Асарларда қўлланилган усулнинг ўзи ўқувчини воқеликлар ичига киришга, турли соҳалар тўғрисида фикр юритишга сабаб бўлади. Бу усуллар эса ҳозирги кун тили билан айтганда, кучли ва ҳар томонлама билимли ёшларни тарбиялашга кўмак беради. Зеро, бугун илм аҳли ҳақида билдирилаётган турли фикрлар ва қарашлар яқин йиллар ичида юртимизда илм-фан ва тарбияга бўлган эътиборни янада ортиб боришидан далолатдир.

Чунки, дунёда турли мафкуравий хуружлар авж олган, сўз дахшатли қуролга айланиб, унинг объекти сифатида ёшлар онги ҳамда қалби танланган паллада мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бундай иммунитетни шакллантириш эса ёшларни ҳар томонлама комил топиш учун олиб бораётган ҳаракатларимизга боғлиқ.

Беруний оила маънавияти хусусида

Оила ҳар қандай жамиятнинг асосий бўғини, башарият борлигининг ўзаги ҳисобланади. «Оила - мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир», дейилади «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида. Рисолада «Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаравонлигини, ўзаро ҳурмат ва

аҳилликни таъминлаш - миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади», - деб бекорга айтилмаган. Чунки, оиладаги муҳитнинг ёмонлиги ноаҳилликнинг бош омилидир. Эр - хотин муносабатларидаги ўзаро келишмовчиликлар, боланинг кўнгли уксик, қалби ярим, хаёлан паришон ҳолатда юришига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу эса фарзанд келажагига салбий таъсир этади. Албатта бу салбийлик ота - онагагина эмас, балки жамиятга ҳам таъсир этмасдан қолмайди.

Оилаларнинг ажралиб кетиши кўпроқ эру - хотин муносабатларидаги ўзаро нохуш ҳислар, шунингдек, рашк ўтининг оловланишидир. Ҳатто, бундан минг йил илгари яшаб ўтган бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний эру - хотин муносабатларига эътибор билан қараган, у оиланинг тинчлигига раҳна солувчи айрим ҳолатларни тўғри кўрсатиб панд - насиҳатлар қилган. Жумладан, оилаларнинг ажралиб кетиш сабабларидан бири рашк эканлигини кўрсатади. Кўнгилга йўл топиш, гина - қудуратлардан сақланиш энг яхши одатлардан бўлиб, оила мустаҳкамлигининг гаровидир. *«Эй, қизим, - деб ёзади олим, - рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетиш калитидир. Эрингга ҳадеб гина қилишларни ман қиламан, чунки у нафратни уйғотади...»¹*.

«Эрни - эр қиладиган ҳам - хотин, қаро ер қиладиган ҳам» деган, аждодларимиздан қолган бир мақол бор. У ҳаётда ҳамиша ҳақ сўз эканлигини кўрсатиб келмоқда. Аллома хотин киши эрнинг кўнглига қараб иш тутиши унинг кайфиятига қараб ҳаракат қилиши лозим. Шундагина оила номли кема ҳаёт уммонидан сўзиб, ўз мақсадлари сари етишишида муҳим ўрин эгаллайди, деб уйлайди ва бу ҳақдаги панд - насиҳатлари унинг «Минерология» асарида қуйидагича баён этилади: *«ўз эрингни кўрганда, хушчақчақ бўлган вақтида сен хафаликдан, у хафа бўлган вақтида сен хушчақчақликдан сақлан»²*.

¹ Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил «Ўзбек педагогикаси антологияси», Т. «Ўзбекистон», 1995 й., 130 -бет

² Ўша жойда, 130-бет

Оиланинг мустаҳкамлиги ҳар икки томонга - ҳам эрга, ҳам хотинга боғлиқ. Айниқса, аёлларимизнинг ўрни ўзгача. Чунки бола тарбиясига онанинг таъсири каттароқдир. Шундан бўлса керак, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир, - деб қаралади. Ҳа, жамиятимизнинг тараққиётида асосий ўрин эгаллаётган кадрларни - ёшларни тарбиялаб беришда оиланинг, жумладан, аёлнинг ўрни бекиёс. Аёлларнинг бола тарбиясида тўтган ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Эркакнинг хотиржамлиги, жамият тинчлиги, Ватан ободлиги ҳам аёлларимизга, оила тинчлиги эса эру - хотиннинг бир - бирига бўлган ҳурмат ва иззатдалигига боғлиқ.

Оиладаги энг муқаддас бурчлардан бири эру - хотиннинг ўзига хос бўлган сирларини сирлигича сақлаш. Агар у ҳакалак отиб эшик ортига чиқар экан, оила устунининг дарз кетиши муқаррар ҳисобланади. Дарз кетган жойни қанча ямаманг, қанча таъмирламанг у ўз нуқсонини кўрсатиб тураверади. Аллома ҳам оила сирини сақламоқ энг муқаддас бурчлардан бири, деб ҳисоблайди. *«Эр сирини фош этмагин, акс ҳолда унинг олдида ўзингни камситган бўласан...»* дейди у.

Оила, авваломбор эркак ва аёлнинг ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли никоҳидан иборатдир. Никоҳ жамиятимизда муқаддас саналади. У қайнона - қайнота, эр, эрнинг ака-укалари, опа - сингиллари, қўни - қўшни, фарзандлар ва бошқаларга нисбатан муносабатларда улкан масъулият юклайди, шунингдек, эркак киши олдида ҳам. Никоҳ муносабатлари Шарқда ўзига хос хусусиятларга эга. Олим эр - хотин муносабатларининг никоҳга асосланганлиги улар ўртасидаги кўпгина нохуш ҳолатларнинг олдини олиши мумкинлиги билан қимматлидир, деган хулосага келади: *«Халқлардан ҳеч бири ҳам никоҳдан холи эмасдир. Никоҳ ўз урғочисини қизғониш ва талашиш каби (ёмон аҳволларга) йўлиқшидан сақлайди», -* деб ёзади у.

Умуман олганда олимнинг оила мустаҳкамлиги гарови, деб билган ҳислатларни қўйидагиларга бўлиш мумкин. Булар:

- аёл камтарлиги, эр олижаноблиги;
 - яхши сўзламоқ;
 - аёлнинг эр олдида ўзини гўзал кўрсатиши
 - аёлнинг эрини топиш - тутишидан ортиқча нарса талаб қилмаслиги;
 - рашкдан сақланиш;
 - турли гина - кудратлардан сақланиш;
 - оила сирини сақлаш;
- покизалик.

Айниқса, унинг ёшларга қарата айтган ушбу сўзлари ҳозирги кунда ўзининг қиммати билан кадрлидир: *“Эй қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен куёвингинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен Ер бўл, у осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида Ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру тоқати билан сени хушнуд этади... Эринг сендан фақат юмишқ ва ширин сўзлар эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда ёки сочларингни тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма.*

Қизим куёвингдан кучи етмаган ва олиб беришга қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма. Бундай қилсанг орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. ... Эрингга ҳадеб гина қила беришингни ман қиламан. Чунки бу эзмалик нафратини ўйғотади. Яхшиси, сен у билан хушмуомалада, ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидиур. Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзингга хушбуй нарсалар билан оро бер. Покизалик ҳаммаша йўлдошинг бўлсин...”

Бугунги кунда ушбу насиҳатларни кўпроқ тарғиб қилиш, уларни диний ва илмий асосда тушунтириш, ахлоқ-одоб қоидаларини кенг ўргатиш эр-хотин, оиладаги фарзандлар муносабатларида муҳим ўрин эгаллайди.

Абу Райҳон Беруний ҳиндларнинг турмуш тарзидаги кўплаб одатларни келтириб, уларни арабларда ислом дини пайдо бўлгунча юз

берган жаҳолат давридаги урфу-одатларга ўхшатади. Уларнинг одатлари бизнинг одатларимизга зид, гуёки атайлаб тескарисини қилаётгандек туюлади, деган фикрни айтиб ўтади.

Аллома ислом динида юксак ахлоқий қоидалар мавжудлиги учун Тангрига ҳамду санолар билдиради. Ўзи ҳам Аллоҳнинг бир бандаси сифатида ахлоққа зид, ноҳолис одатларни қоралайди. Улардан нафратланади.

Аллома бу одатлар ҳақида шундай ёзади: *“Бундай билимсизликда ҳиндларни танҳо деб билмайман. Араблар ҳам зўр жиноятлар ва расвогарчиликлар қилган. Ҳайз кўрган ва ҳомиладор бўлган хотинларни никоҳларига олганлар, (қондан уч марта тозаланиш керак бўлган ҳолда) биргина марта тоза бўлиши билан бир хотинга (бирин-кетин) бир неча киши қўшилганлар, тутинган ўғилларини ва меҳмонларидан бўлган болаларни ўзлариники деб даъво қилганлар, қизларни тириклайин кўмганлар. Ибодатлари орасида ҳуштакбозликлар ва чапакбозликларни, овқатларидаги ифлосгарчиликлар ва ўлимтик ейишларини қўябер! Ислом дини, исломиятни қабул қилган ҳинд мамлакатларида уларнинг кўп одатларини йўқ қилгани сингари, араблардаги расвогарчиликларга ҳам барҳам берди. Тангрига ҳамд ва шукрлар бўлсин.”*¹

Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарининг X бобида юнон, рим, эрон, араб халқларида бўлган оилавий урфу одатларни бир-бири билан таққослайди ва уларда бўлган жоҳилият даврига хос маросиму-одатларни қоралайди. *“Шу ёмон одат қаршиисидаги ҳақ йўлнинг ҳусни билинсин ва бунга солиштирилганда ноҳақ йўлнинг ёмонлиги кўпроқ кўринсин, деб шуни ҳикоя қилдик,”*² дейди у.

Беруний - жаҳолат душмани

Абу Райҳон Беруний пок эътиқодли мусулмон эди. У ёшлигиданок, Ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримни ёддан

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й.. 151-бет

² Ўша жойда, 95-бет

билган ва унинг фарзларига амал қилгани ҳолда, дунёвий билимлар билан шуғулланган. У инсоннинг энг яхши хислатларидан бири - тақводорлик, деб билган.

Ислом динининг инсоният тарихида тутган ўрни жуда катта. У яхшилиқни улуғловчи, кишиларни ҳалоллик, покликка чақирувчи диёнат ва иймон динидир. Олим ислом динини бўзғунчиликларга йўл қўймайдиган бир дин сифатида кўради. Унинг асарларида ислом динининг инсоният оламига ижобий таъсирлари ҳақидаги фикрлари сочма тариқасида учраса - да, ўз аҳамиятини асрлар оша йўқотганича йўқ.

Мутафаккир ислом динигача бўлган даврни «жоҳилият даври», деб атайди. Бу диннинг кишилик ҳаётида тутган ўрни, тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталади. Жумладан, «Ҳиндистон» асарида ислом дини ўзигача бўлган даврлар орасида учраган турли ёвузликларга ўз тарғиботи ила барҳам берган, деган фикрни айтади.

Олим шундайлар ҳам бўладики, улар ўзларига зарар етказмайдиган, бироқ, мавжуд бўлган нарсаларни азоблаб завқ оладилар, ундан лаззатланадилар бундай *«кишидан Худонинг ўзи уч олсин»*, - дейди.

Аллома “Ҳиндистон” китобининг “Ҳинд астрономларининг фикрича, осмон ва Ер шакллари” бобида ислом динини қурол қилиб олган ва унинг маъносини ўзгартириб, ўз манфаати йўлида талқин қилаётган кишилар учун шундай дейди: *“... Чунки Қуръон ўзидан олдин нозил бўлган китоблар сингари бу бобда ҳар бир эҳтиёж тушадиган нарса тўғрисида то зўрма-зўракичасига маълум бўлгунича, турли маъноларга йўйиб, тўғри йўлдан чиқиб кетишига мажбур этадиган (мужмал-ноаниқ) қилиб гапирмаган. (Қуръон) фақатгина маълум зарур нарсалар ҳақида гапни худди шу китоблардагидек қилиб гапирган ва шубҳали бўлмаган, аниқ ҳукмлар чиқарган. Шунингдек, бурунги тарихлар каби ихтилофли ва ҳақиқатига етиб бўлмайдиган нарсалар устида ҳам гапирмаган.”*¹

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й., 208 –бет.

Алломанинг ислом динини талқин қилиб, жаҳолатга олиб келувчи қатор иллатларни таҳлил қилади ва унинг сабабларини кўрсатиб ўтади. У киши: *“Лекин ислом дини бошланган пайтларида, ўз душманларидан бўлган бир гуруҳнинг макр ва алдов қуроли бўлиб қолган; яъни улар ўзларини ислом динини қабул этган қилиб кўрсатиб, содда кўнгилли кишиларга тангри – на оз бўлсин ва на кўп бўлсин-ҳеч бир яратмаган нарсаларни ўз китобларида ҳикоя қилганлар, улар бу сўзга инониб, иккиюзламачиликларга алданиб, айтганларини ёзиб олганлар ва ўзларининг Ҳақ китобларидаги гапни бир ёққа йиғиштириб қўйганлар. Чунки авом халқнинг қалблари хурофотга жуда мойил; шунинг натижасида хабар ва ривоятлар қоришиб кетган.”*¹ Ҳолбуки, Абу Райҳон Беруний томонидан кўрсатилган бу сабаблар ҳозирги кунда ҳам ўзгаргани йўқ.

Аллома ислом динига эътиқод қилган ва уни пок сақлашга, ўзгаларнинг турли ёлғон ва бўлмагир фикрларидан ҳимоя қилган, чин мусулмон бўлган. У ислом дини вужудга келган вақтларда айрим кишиларнинг турли хил нохуш ва кишиларга ёмонлик олиб келувчи динларни тарғиб қилиб юрганлиги, уларнинг қилаётган ишлари Ҳаққа зид эканлигини эътироф этади. У *“...Монийга эргашган зиндиқлар бошқа бир бахтсизликни келтириб чиқардилар. Улар Биринчи Ягона ҳақида эътиқодлари заиф кишиларни, дунёда адолат ҳам зулмга оид ҳодислар юз бериб туриши жиҳатидан, шак-шубҳага солиб, Биринчи Ягонани иккита дейишга мойил қилдилар ва Моний эътиқодини уларга яхши қилиб кўрсатдилар, ҳатто, улар Моний эътиқодига ёпишиб олдилар.*

Моний, оламнинг ҳайъати ҳақида сўзлашдан ўзини тийса ҳам, ўз мазҳабидаги жоҳилона тушунчаларни бўяма (гаплар билан) баён қилишда чекланмайдиган кишидир.

Шу эътиқод турли тилларда тарқалиб, яҳудийларники сингари юқорида айтилган алдовларга қўшилди ва ислом динига мансуб бир

¹ Ўша жойда, 208- бет

фикрга айланди. Тангри (исломни) бундайлардан пок қилсин. Бу фикрга қариши турган ва тўғрида Қуръонга мувофиқ бўлган ҳақ гапни маҳкам ушлаган киши кофир ва имонсиз дейилди, қони тўкилишига ҳукм чиқарилди ва сўзини эшитишига рухсат берилмади. Ваҳоланки бу фиръавнинг: “Мен энг олий роббингизман” ва “Сизлар учун ўзимдан бошқа тангри –маъбуд бор деб билмайман”, деган сўздан ҳам ёмон эди.”¹

Зеро олимнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунки, ислом динини ўзига қурол қилиб, унинг асл моҳиятини ёвуз мақсадлари учун талқин қилаётган, умматлар орасида ихтилоф чиқаришга, миллатлар ўртасида низо, юрт барқарорлигига раҳна солишга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўзларини ислом дини ва мусулмонларни ҳимоя қилувчилар, деб атаб, исломга зид ишларни амалга оширмоқдалар. Бунга яқин тарихимиздан Тошкент, Андижон, Сурхондарё воқеалари гувоҳ, ундан азият чеккан халқимиз шоҳид. Лекин шундай бўлсада, уларга эргашаётган ёшларимиз ҳали ҳам учраб турибди. Уларнинг асл мақсади мамлакатимиз барқарорлигига раҳна солиш, турли миш - мишларни кучайтириш, ёлғонлар тарқатиш билан ислоҳотларга ишончсизликни пайдо қилиш ва шу билан ҳокимиятга интилишдир.

Хуш, агар улар ҳокимият тепасига келса нима бўлади? Улар давлатни ўз ёвуз ниятли «низомлари» асосида бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бу бизга Яқин Шарқ мамлакатларида юз бераётган, узоқ йиллар давомида турли манфаатлар учун синов майдони бўлиб келган Афғонистонни эслатади, холос. Ҳолбуки, мамлакатимизда ҳозирги ислом динининг бунчалик тараққий этган, унинг учун барча эшиклар очиб қўйилган даврини тарихда эслаш қийин. Собиқ Шўролар давлати даврида мамлакатимизда бор йўғи 90 га яқин масжидлар, 2 Мадраса бўлган бўлса бугунги кунда 3000 дан ортиқ масжидлар, 2 та ислом маҳади (институт)10 га яқин ўрта махсус исломий ўқув

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II –жилд, “Фан” нашриёти,Т. 1965 й., 208-209 бетлар

юртлари, Халқаро ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси фаолият кўрсатиб турибди. Давлат томонидан Ҳажга бориш учун барча имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Кичик Ҳаж амаллари учун Маккаю мунаварра эшиклари доимо очиб қўйилди.

«Азал-азалдан диёримизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир», дейилади «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида.

Ўзбекистан Республикаси қонунларининг асоси бўлган - Конституциянинг 18 - моддасида Ўзбекистан фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, жумладан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъий-назар фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда қонун олдида тенгдир, дейилади. Шунингдек, Конституциямизнинг 61 - моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилганлиги, улар қонун олдида тенглиги, давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги айтилиб, у ҳақда қонуний кафолат берилган.

Шундан бўлса керак, бугунги кунда мамлакатимизда 17 та турли диний конфессияга мансуб ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар қандай жамиятга зид ғояларни тарғиб қилиш бу, албатта, вайроналикни келтирувчи урушга олиб боришга сабаб бўлади.

Инсоният ўз тарихи давомида 15 мингга яқин урушларни бошдан кечирган. Уруш бу - давлатлар, халқлар, синфлар ва турли гуруҳларнинг ўз сиёсатини қурол ёрдамида амалга оширишидир. Бу қон тўкилиши, одамларнинг нобуд бўлиши, демакдир. У мамлакатларни вайронага айлантириб, шаҳар ва қишлоқларни харобазорга айлантиради. Урушни келтириб чиқарувчи бузғунчи ғоялар ғалаба қилгудек бўлса ўз ҳукмронликларини ўрнатиш учун ўзга халқларининг илмини, илм-аҳлини, моддий ва маънавий

меросини йўқ қилади. Урфу одатлари, маросимлари ва бошқа анъаналари ўрнига ўзлариникини жорий этишга ҳаракат қиладилар. Бу неча-неча халкларнинг тарихий хотирасини йўқ қилиб юбориши ёки асрлар қаърида тарих сахнасида кўринмай қолишига олиб келади. Буни тарихимиз саҳифаларида бўлиб ўтган воқеликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бизнинг истагимиз - тинчлик. Аجدодларимиз азал - азалдан тинчликни қадрлаб келган. Тинчлик инсон орзу интилишларини, эзгу ниятларини амалга ошириш асоси. Шунинг учун ҳам халқимиз кўлини дуога очиб Яратгандан тинчлик ва омонликни тилайди. Чунки, бу замин эгалари ўз бошидан кўплаб урушларни ўтказди. Бунга тарихда халқимиз бошига урушлардан келган хунрезликлар, тўкилган қонлар, отасиз қолган болалар, вайронага айланган шаҳар ва қишлоқлар гувоҳ.

Урушлар келтириб чиқарган вайронкорликлар ҳақида аллома ўз асарларида тўхталиб, халқ, Ватан, замин ҳеч қачон урушдан фойда кўрмаганлигини баён этади. У Искандар Зулқарнайн юришлари кўплаб бой маданиятларни йўқ қилиб юборганлиги ҳақида гапириб, тарихий далиллар асосида ўз фикрини исботлайди.

Аллома жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи ғояларга қарши чиқади. Илғор фикрларни, илмларни бошқа қарашлар билан солиштириб халқнинг эътиборини ҳақиқатдан четга тортувчи кучлар ҳам мавжудлигини ва уларнинг асоси ёлғондан иборат эканлигини исботлаб беради. Улар турли ёлғонлар ва миш-мишлар билан маълум маънода жамиятни ўз орқасидан эргаштиришади. Бундай ёвуз кучлар ва ғоялардан жамиятни тозалаб туриш керак деган назарияни илгари суради.

Ҳар нарсани ўз кушандаси бор, дейдилар. Уша нотўғри ғоялардан, ёмон фикрлардан онгни илм орқали тозалайдиган табиблар бор. Бундай кишилар олимлар ва файласуфлардир, деб билади аллома.

Аллома ўғитлари

Абу Райҳон Беруний умрининг охирги йилларини ҳам Ғазнавийлар саройида осойишта ва бироқ ижоднинг шиддатли тўлқинлари орасида ўтказди. Мутафаккир илм эгаси, чунончи аниқ фанлар билан қуролланган кишилар турли ҳийла ва «*ваҳийлардан*» узоқ бўладилар, ўзгаларнинг ҳийлаларига тушиб қолмайдилар, деб кўрсатади. «*Кимда - ким ўз изланишларининг афзаллигини қонуниятларни излаб топишда деб биларкан, у албатта, ҳамиша ўз қарашларини амалда исботлаш йўлидан боради*», дейди у.

Илм излаган ва у соҳага умрини бахшида этган ҳар қандай инсон қалби ортиқча нарсалардан холи бўлмоғи лозим. Мансаб ёки бойликка интилиш илмий фаолият билан шуғулланишга тўсқинлик қилади, деган фикр аллома асарида қўйидагича баён қилинади: «*Илм йўлига кираркансан, - дейди у, - қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, эътиқодни кўрмас қилиб қуючи ҳолатлардан, чунончи қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, ҳирсиёт қули бўлишдан, ўз Ҳокимлигинг учун қурашдан озод бўлмоғи даркор*».

Аллома билимсиз кишилар уларга нисбатан озчилликни ташкил этган олимлар ақллари топадиган нарсаларга нафрат билан қарайдилар ва тарафкашлик қиладилар, деб кўрсатади. «*Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойилдир*», - деб ёзади. Берунийнинг бундан ўн аср илгари айтиб ўтган бу фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Айниқса, бугунги кунда ёшларимизнинг илмли ва ҳар томонлама камолга етган киши сифатида тарбиялашдан ҳам мақсад, уларни онгига турли хурофотларни кириб келишига тўсқинлик қилиш ва илм орқали жамият тараққиётига замин яратишдир. «Илмга интилиш йўқолса фан тараққий этмайди, илму - фан ривожланмаса-жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди», - деб ёзган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов. Шу ўринда алломанинг «Геодезия» (40-бет) асарида ёзган ушбу фикрлари ҳам диққатга сазовордир: «*Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва қумушларни қўлга киритиш*

эмас, балки улар туфайли зарур нарсаларга эришишидир». Илмли киши халоскор ҳисобланади. Яхшиликнинг меваси қанчалик ширин бўлса, ёмонликники эса шунчалик аччиқ. Ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам, гуёки, бир дарахт. Дарахтнинг илдизлари қанчалик кўп бўлса, ёмонликнинг ҳам илдизлари шунчалик бисёр. Лекин, бу иллатлардан илм орқали қутулиш мумкин, деган фикр аллома асарларида шундай ифодланади: «Илм орқали халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тамаъ, ғазаб ва илмсизликдир».

Беруний умри давомида илм излаб, таҳсил берган буюк донишманддир. У ҳаётининг сўнгги дақиқаларида, ўлим тушагида ётганида ҳам бу фоний дунёнинг сирларини билишдан тўхтамади. Ўзида борини ўзгага улашишдан чарчамади. Айтишларича, олимнинг умри охирида дўсти ҳамда илм боғининг боғбонларидан бири бўлмиш Абулҳасан Валволижий ташриф буюради. Беруний кўзини очиб Абулҳасанга: *«Сен бир вақтда жаддотул фосида [мерос ҳақида ҳисоб] тўғрисида менга баъзи сўзлар айтиб эдинг, ўша масаланинг моҳиятини тушунтириб беришингни сўрайман»,* - дейди. Абулҳасан Валволижий: *«Ҳозир бу ҳақда сўрашининг ва унга жавоб беришининг ўрни ҳам вақти ҳам эмас»,* - дейди. Абу Райҳон: *«Э, улуг дўстим, бу дунёда туғиладиган ҳар ким муқаррар равишда ўлади, аммо ақл менга бир вақтлар айтган масаланинг моҳиятини билиб олишни таъкидламоқда. Буни мен бутунлай билмаганим яхшироқ эди ва шу ҳолда ўлиб кетган булур эдим. Сен шу масалани айтганингда қониқмаган эдим. Шу сабабли билиб ўлишим билмаган ҳолда ўлишимдан яхшироқдир»¹* - дейди.

Абулҳасан Валволижий ушбу масалани изоҳлай бошлайди. Сўз охирига яқинлашганда Берунийда бетоқатлик кўринади. Дўсти сўзини тамомлаб хайрлашиб чиқади. Шундан сўнг бир неча дақиқа ўтмасдан у жон таслим қилади.

¹ Беруний, Танланган асарлар, I-Том, Т. «Фан», 1965 й., 16-бет

Абу Райҳон Беруний олимнинг фозил бўлса оламнинг гуллагани шу, агар у жоҳил бўлса зулмат қоплагани шу, деган нақлни ўзига мужассам этган фозил киши эди. Чунки, олим асарларида ўзга халқларнинг ўтмиши, тарихи ёки аجدодлар руҳига тош отмаган. Уларни камситмаган ёки бошқа халқдан бирон - бир халқни, гуруҳни, табақани устун қўймаган. У ҳаммага бирдек қараган. У кишини фақатгина билимли-билимсиз, жоҳил ёки фозил кишиларга ажратган - ки, бу инсоний хислатларнинг кўринишидир.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният илм соҳасида беқиёс ютуқларни қўлга киритди. Фан, техника ва технологиялар тараққиётида эришилган улкан мувоффақиятлар билимнинг натижаси, унинг меvasидир. Бугун XXI асрда яшамоқдамиз. Ватан равнақи учун юртимиз илмий салоҳиятини ошириш, фан ривожига эришиш бугунги авлод олдидаги, мамлакатимиз сиёсатидаги биринчи галдаги вазифалардан биридир. Чунки, Президентимиз айтганларидек: «Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди».

Аллома асарларида инсоний хислатлар, кадриятлар улуғланган. Жумладан, кишидаги яхшиликлар ҳақида тўхталиб, улардан 14 тасини санайди ва яхшилик хислатларининг чегараси йўқ, деган фикрни илгари суради: *“Яхшилик хислатлари: тақводорлик, тўғрилиқ, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоний камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва бўлардан бошқа ақлга сизмайдиган, киши баён этиб тугата олмайдиган [яхши] сифатлардан иборатдир”*.

Мансабни суистеъмол қилиш, мартабадан киброна фойдаланиш, бурчни унутишга, масъулиятни фаромуш этишга олиб келади. Кишилар ўзига берилган вазифаларни чин дилдан амалга оширмаса, унинг бу иши бажарувчининг обрўсизланишига ва кадр-қиммати йўқолишига сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради. Мана у, «Минерология» китобида нима дейди: «Инсон ҳаммиса ўзларининг бахт-саодатлари ҳақида ўйлаш керак. Ҳар бир инсоннинг

қадр - қиммати ўз ишини қандай бажариётгани билан ўлчанади. Ўтиқодлар турмуш-ҳаётда ҳар хил ҳолатда бўладилар, буларнинг бир тури билан мақтанадилар, бошқаси билан қораланадилар. ..мақтовларнинг чуққиси мурувват, мурувватнинг ўқи [асоси] эса тозалик ва покизаликдир» -деб ёзади.

Шарқ фалсафасининг муҳим қарашлардан бири инсон ва инсон жисмидаги моддийлик ва руҳийликнинг муттаносиблигидир. Агар кишидаги ана шу муттаносиблик бузилиб моддийликка бўлган интилиш кучайса, у ҳолда киши нафс балосига қул бўлади ва у ҳар қандай нарсадан тапгортмайдиган, моддийликни - бойликни устун қўядиган кишига айланиб, Хожа Аҳмад Яссавий айтганларидек «шайтон билан ҳамроҳ бўлур». Ўз ўрнида Беруний «Минерология» китобида ҳам нафс ҳақида шундай дейди: *«Инсонга энг яқин нарса унинг нафсидир. Шу нафс, энг аввало, ўзига яхшилик килишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишларига интилиши керак. У ташқи кўриниши ясама шухрат, сунъий обрў учун мурувват ва футувват кўрсатмасин».*

Нафс балоси киши кўзини кўр, қалбини ожиз қилиб унинг ўзини тубсиз жарликка улоқтириши мумкин. Аллома нафс балосига йўлиққан кишиларни одоб-ахлоқ китобларига ошно қилиш билан даволаш мумкин, деган хулосага келади: *«Ахлоқдаги ва одобдаги нафс гўзаллигига келсак, инсон уни ёмонликдан мақталишгача кўтаришга қодир, бу [албатта] нафсни тоза тутишга, уни руҳий тиббиёт йўли билан даволашга, ёмонлик ҳолдаги асоратини аста-секин ахлоқ китобларида айтилган усуллар билан кетказиш мумкин».*

Шу ўринда олимнинг султон Масъуд билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтмоқ жоиздир. Зора бу мисол айрим ёшларимизга ўрнак бўлиб, ундан хулосалар чиқаришса. Чунки бу воқелик илмнинг нақадар устун эканлигидан ва олим бир шахс сифатида бойлик қулига айланиб қолмаганлигидан далолат беради.

Султон Масъуд билан Беруний ўртасида ҳар доим илмнинг қизғин саҳифалари устида баҳс борар эди. Бир кун султон аллома билан кеча ва

кундузнинг узун-қисқа бўлиш сабаблари устида суҳбатлашар экан, олимдан бу масалани аниқроқ қилиб тушунтириб беришни сўрайди. У осмон жисмлари ҳақидаги фан - астрономияни севар эди, шунингдек жуда нозик илмий қизиқиши ҳам мавжуд эди. Шунинг учун Беруний бир китоб ёзиб уни султонга бағишлади. Бу асар тарихда «Қонуни Масъудий» номи билан машҳурдир. Бундай асар унгача мусулмон олимлари ўртасида ёзилмаган эди. Айтишларича олим ўзининг бу асари эвазига султон Масъуднинг катта инъомига сазовор бўлган. Аммо Беруний бу инъомни қабул қилмаган. У совғани қабул қилмаслик сабабини бундай изоҳлайди: *«Буюм мени илмий ишдан қолдиради, доно кишилар эса кумуш кетиб илм қолишини биладилар, мен бўлсам ақлнинг кўрсатишига мувофиқ иш кўраман ва абадий қоладиган илмий билимларимни ҳеч маҳал бу қалбаки дабдабаларга алишмайман».*

Аллома нафақат биз, балки инсоният учун яхшиликлар олиб келувчи улкан дарвозани кўрсатиб ўтади. Бу дарвозадан ким кирса, улкан боғга- турли гуллар, ранг-баранг дарахтлар ўсиб ётган бир маконга, унда нимаики орзу қилиб олишинг мумкин бўлган ғарқ пишиб ётган мевазорга, юртинг учун хизмат қилишинг керак бўлган ҳосилдор заминга дуч келасан. Бу заминга эса фақат илм дарвозасидан кириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улуғлик либоси

Халқимиз азалдан меҳнатни улуғлаб, унинг замирида тўкин-сочинлик, фаровонлик ва тинчлик мавжудлигини ҳис этиб келганлар. Энг замин қаер? деб сўралганда, меҳнат билан обод бўлган жой эканлиги “Авесто” да ҳам айтиб ўтилган.

Аллома меҳнаткаш кишини улуғлайди. Ҳар қандай тилак-хоҳишларни амалга ошириш меҳнат билан боғлиқ, деб билади ва бу ҳақда «Геодезия» китобида шундай ёзади: *«Инсоннинг тилак хоҳишлари меҳнат тўфайлигина амалга оширилиши мумкин».* Ҳа, ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётида, жамият тараққиётида меҳнат асосий ўрин эгаллайди-ки, ҳеч бир нарсани усиз тасаввур қилиш ва усиз эришиш мумкин эмас. Ер

юзидаги қайси бир мавжудот бўлмасин у яшаш учун ҳаракат қилади, интилади, ишлайди. Ҳаракатсизлик инсон истак-хоҳишларини амалга оширишда асосий тўсиқдир. У ҳаракат ҳар қандай истакнинг руёбга чиқиши учун асос бўлади, деган фикрни илгари суради.

Беруний «Ҳиндистон» китобининг яратилиши ҳақида шундай бир фикрни билдирадики, ундан ҳар қандай орзу истакнинг ўзаги меҳнат ёки ҳаракат деган хулоса чиқариш мумкин. 1030 - 1031 йилларда ёзилган жаҳон илмий меросининг ноёб дурдона асари «Ҳиндистон» мутафаккирнинг узоқ изланишлари, тажрибалари, таҳлиллари, қиёслашлари ва тинимсиз меҳнати натижаси эди. У ҳақида олим шундай ёзади: *«Шундай китоб вужудга келтириш иши мендан бошқа кимга муяссар бўлди? Лекин тангри мувоффақият бериб, мен маҳрум бўлган ҳаракатларга ҳозир бўлган кишигагина муяссар бўлиши мумкин»*¹ - дейди.

Беруний ўзгалар меҳнати эвазига кун кўрадиган, бошқаларни пешона тери билан топган бир парча нонини ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилган ва турли мансабларга чиқиб олган кишилар ҳурматга лойиқ эмасликлари ҳақида тўхталиб, «Минерология» китобида шундай ёзади: *«Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат ва роҳат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо улуглик либосидан маҳрум, ялангочдир»*.

У инсонни Аллоҳнинг ердаги вакили, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзланган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришидир, деб қайд этади.

«Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади. Бу ўзгаришлар жараёнининг устувор хусусияти-халқимизнинг бунёдкорлик

¹ Беруний. Танланган асарлар, II-Том, «Фан», 1965 й., 36-бет

фаолиятидир», - дейилади «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига мана 30 йил бўлиб қолди. Бу йиллар вақт уммонидан бир томчи. Лекин, шу қисқа давр ичида халқимиз томонидан асрларга татуғилик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу меҳнатнинг эвази, илмнинг натижаси, адолат тантанасидир. Аллома таъкидлагандек, улуғлик либосининг амалидр. Берилган озроққина умр даврида – улуғлик либосини киймоқ ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолмоғи керак.

Ростгўйликда олам сирлари

Аллома ёлғончилик каби ноинсоний хислатлар ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида тўхталиб ўтади. У кишини ёлғон гапиришга олиб келадиган нарсалар ҳақидаги фикрларини қуйидагиларга бўлдик:

- ўз қавмини улуғлаш мақсадида;
- ўзини кўрсатиш мақсадида;
- миннатдорчилик билдириш мақсадида;
- ўзгани хафа қилиш мақсадида;
- ўзининг паст табиатлилиги сабабли;
- киши табиатидан келиб чиқиб;
- тақлид қилиб.

Ёлғончилик кишини шарму-ҳаёсиз қилиб ташлаши, бидъат ва хурофот ўясига айлантириб қўйиши, кишиларни ўзидан бездириши мумкин.

У *«Хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлгонлик тусини олади. Чунки эътиқодларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп»*¹, -деб ёзади.

Беруний хабар берувчиларнинг ёлғон сўзлашишидан қандай манфаатлар ётганлигини изоҳлаб: *«... бир киши ўз жинсини улуғлаб, ... ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир зид жинсни айблаб, ёлгон гап*

¹ Беруний. Танланган асарлар, II-Том, «Фан», 1965 й.,25-бет

ёяди, чунки у бу билан /зид жинс устидан / галаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади.

Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғазаб тақозасидан келиб чиқишлиги маълум. /иккинчи бир киши эса/ ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлгон хабар тарқатади. Бу хил /хабар тарқатувчи/ аввалги хабар берувчи мухбирга яқин бўлади. Чунки бу хабарни дўстлик ёки душманлик натижасида тарқатган бўлади.

/Шунингдек/ учинчи бир киши ўзининг паст табиатлилиги сабабли бирон яхшиликка эришиш ёки ўзининг юраксиз ва қўрқоқлиги сабабли ёмонликдан қутулиш учун ёлгон хабар тарқатади.

Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатига ёлгон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гуёки унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлгон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади.

Баъзи киши /ёлгон хабар тарқатувчига/ тақлид қилиб, билмасдан ёлгон хабар тарқатади...»¹

Аллома инсоний хислатлардан бири ростгуйлик ҳақида ҳам тўхталиб, у кишини шижоатлиликка ундайди, бундай кишилар ботир, қўрқмас кишилардир. Улар ҳар қандай жойда рост сўзни қанда қилмайдилар деган фикрларни баён этади. Ростгуй кишини кишилар ичидан бўлсада тан оладилар ва уларни мақтайдилар. Олим шундай ёзади: «Ёлгончиликдан четланиб, ростгуйликка ёпишган кишини бошқа эътиқод у ёқда турсин, ёлгончининг ўзи ҳам севиб мақтайди...»²

Аллома ростгуйликнинг барча муқаддас китобларда ҳам улуғлаганлигини, Инжилдан мисол келтириб исботлаган.

Аллома гуноҳлик - омонатга хиёнат қилиш, кишига нисбатан душманлик кўзи билан қараш, ёки дўстини, бирон бир кишини ҳимоя қилиш мақсадида жон-жаҳди ила мақташ кишини уйдирма гаплар тўқишга олиб келиши, провардида у ҳақиқатдан кишини четга

¹ Беруний. Танланган асарлар, II-Том, «Фан», 1965 й., 25-бет

² Ўша жойда, 26-бет

оғдириши мумкинлигини айтиб ўтади. Кишининг розилик кўзи шул кишининг барча айбларини кўрмас қилиб қўяди, норозилик кўзи эса барча айбларни ошкор қилади, деган фикрларни илгари суради. Аллома ёлғончилик ҳақида қуйидаги хулосани баён этади: *«Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз угиртиради; зулм, ёлғон гувоҳлик, , омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўзрилиқ, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади»*¹

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида кишилар ўртасидаги муносабатларни, улар ўртасидаги ҳалимликни, инсоний ҳис - туйғуларни улуғлайди. Бериладиган ёрдамни миннат қилиниши кишини килган савобли ишларини йўққа чиқаради, у кишини инсоний хислатлардан узоқлаштиради, деган фикрни илгари суриб, *«Миннат эҳсон қилувчининг эҳсонини йўққа чиқаради»* – деб ёзади.

Аллома *«Яхши йўлдан юриш яхшилик аломатидир»*, - дейди. Бундан кўринадики кишининг қайси йўлдан юриши унинг тарбиясига боғлиқ. Инсоннинг ўзини улуғлайдиган ишлар қилиши унинг яхшилигидан далолат беради. Инсоният пайдо бўлибдики яхшилик жамият фаровонлигини ошишида асосий омил, деб билади. Яхшиликни қадрлайди, бу каби кишиларни ҳурмат қилади.

Кишининг яна бир ажойиб хислати бўлмиш мардлик ҳақида ўз фикрларини билдириб, мурувватлиликга нисбатан мардлик олийроқ тушунча деган қарашни илгари суриб: *«Одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ - аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эғалик қилмайди.*

Агар у эътиқодларнинг осойишталиги деб машаққатга чидаш берса, зиқналик қилмасдан бошқалар маҳрум бўлиб, ўзига бор

¹ Беруний. Танланган асарлар, II-Том, «Фан», 1965 й., 26-бет

нарсалардан бировга берса, мана бундай одам ушандай қудрат билан шухрат топган мард киши саналади; у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улугворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартабага, унинг аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл - насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда ҳурмат қилинади», - дейди.

Халқимиз ўз тарихий тараққиёти даврида ўзининг мард, танти, тўғрисўз фарзандларига ишонган, уларга суянган. Бугунги кунда ҳам ана шундай фарзандларимиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқдалар.

«Гуруч курмаксиз бўлмайди», - дейди халқимиз. Ҳа, бугунги кунда ҳам ўзини марди-майдон деб, кўкрагини ғоз қилиб керганича, овозини баралла қўйиб, айтаётган сўзини ўзи ҳам билмай, мағзини тушуниб етмай юрганларни ҳам, бозорда эртаю-кеч ўтириб тарозидан ўзгани ҳаққини еб мақтанаётганларни ҳам, ваъдани қуюқ бериб айтганини унутиб қўяётганларни ҳам, ўзини унутган кишиларни ҳам мардлар сарасига қўшиб, уларга ишониб бўлмас. Чунки, бугун сенга - ўз ватандошига номардлик қилган киши эртага ўз Ватанига номардлик қилиши мумкин. Бундай кишилар ҳам учрайди, албатта.

Беруний, кўкрагига уриб, мана биз мардмиз деб ўзини мақтаган ва дастурхон устидагина мард бўлган кишилар ҳам борки уларни марди-майдон санаб бўлмайди деган фикрга келади. «*Эрталаб нонуштасини қилиб, кечқурун шомлигини ичиб юрганни марди - майдон дея олмаймиз. Марди - майдон шундай эътиқод бўладики, эртаю кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради.*» - деб ёзади олим.

Олимнинг ахлоқий фикрлари бир қарашда халқ мақолларига ҳам ўхшаб кетади. Мана, уларнинг айримларига эътибор беринг: «*Омма одат қилган нарсага хилофлик қилма*», «*Кичкина нарсани андак ҳисоблама, чунки кичкина нарсанинг ҳам ўрни бўлади*», «*Сўз билан айтганда тушунган эътиқодга қамчи ва қилич лозим эмас*».

Аллома олимлар нигоҳида

«Бу киши (Беруний) суҳбати ширин, хушмомала, ширинсухан, иффат - номусли, замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмадим».

Ёқут Ал-Ҳамавий, (XIII аср) араб сайёҳи ва географи

«Бу одам (Беруний), илм - одобда, нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда, хандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, унинг замонида унга тенглашадиган ҳеч ким йўқ эди».

Абу-Фазл Байҳакий, (XI аср) Ғазнавийлар тарихчиси

«Беруний буюк ақл эгаси ҳамда толмас меҳнатсевар, ўз давридаги илм - фаннинг деярли барча соҳаси бўйича қалам тебратган илм — соҳиби бўлган».

И.Ю.Крачковский, (XX аср) рус шарқшунос олими

«У араб адабиёти океанида ягона қоядир. Ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган кишини на илгари ва на сўнги вақтларда ўтганини билмаймиз».

Э.Захау, (XIX аср) немис шарқшунос олими

«Беруний илк Ўрта аср олимларининг буюғидир. Қадимги Шарқнинг энг порлоқ маданиятидан бири бўлган Хоразм маданиятининг минг йиллик тарихи унда мужассамлашган».

С.П.Толстов, рус шарқшунос олими, археолог

«Шарқ ва Фарбнинг қадимги ва Ўрта асрлардаги бутун илмий адабиётида бунга тенг келадиган асар йўқ».

В.Р.Розен, (XX аср) рус олими, «Ҳиндистон» асари ҳақида

«Минераллар солиштирма оғирлигини дастлабки аниқ ўлчаш, шубҳасиз Берунийнинг жуда катта хизматидир».

Г.Г.Леммлейн, (XX аср) рус олими.

«Дунё фанининг тарихида XI асрнинг биринчи ярмини «Беруний даври» деб аташ лозим».

Г.Ж.Сартон, (XIX аср) Америка олими.

«Беруний геология ва минералогия фанларининг назариётчиси ва асосчисидир».

Ҳ.А.Абдуллаев, (XX аср) ўзбек олими, академик.

«Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири ҳинд маданиятининг чигал масалаларини чуқур илмий руҳда тушунишда Абу Райҳон Муҳаммад Беруний эришган ютуқларга эриша олмади. Берунийнинг «Ҳиндистон»и классик намуна бўлиб қолиши билан бирга, ўз муаллифининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига қилган тортиғидан иборатдир», деган эди.

Ҳинд олими Ҳамид Ризо

Калькутта университетининг профессори С. К.Чаттержи фикрига қараганда, Беруний, ҳинд муаллифининг тилига хос оригиналликни шундай яхши билардики, ҳатто, бундай кишиларнинг уша тил эгаси

бўлмиш ҳинд халқи ичидан чиқиши ҳам камдан-кам учрайдиган воқеа эди, Эрамизшнг 1040 йилларида, бизга маълум бўлишича, маданият оламида ҳинд, мусулмон ва эллин маданий меросини бир хилда чуқур, ҳар томонлама билган, фақатгина бир киши бўлган, у ҳам бўлса, Беруний эди.

Беруний,-дейди Чаттержи,- биринчи ҳиндшунос олим бўлиши билан бирга, барча давр ҳиндшуносларининг ҳам энг йиригидир. Бир томондан, ўзининг ҳар томонлама ва аниқ маълумотлари туфайли, иккинчи, томондан эса жуда ҳам сабр-тоқати ва объективлиги туфайли Беруний инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири ҳисобланиши керак.

Сўнги сўз ўрнида

Ҳа, алломанинг бизга ўрнатган бўладиган фикрлари, ундан ўрганишимиз керак бўлган илм ва одоб беҳисоб. Юқорида алломанинг ҳаёти ва ахлоқий қарашларидан келтирилган мухтасар фикрлар ёшларимизни эзгулик сари ундашга, комил инсон бўлиб етишишига ижобий ўз таъсирини кўрсатади, деб уйлаймиз.

Бир эътиқод:

-Мен буюк бир шаҳар аҳлидандирман, деб мактанди. Арасту айтди:

-Бунинг аҳамияти йўқ, аммо сен буюк шаҳар эътиқоди бўлишга лойиқмисан ёки йўқми, ана шу аҳамиятга моликдир.

Хулоса шулким, биз буюк аجدодларимиз билан фахрланар эканмиз шу буюк аجدодларга хос ва мос авлод бўлиб қолишимиз, ўз даврида улар ақл машъали билан жаҳонга Турон заминни танитган бўлса, биз ўз тафаккуримиз ва ақл машъалимиз билан қўлни - қўлга бериб, Ўзбекистонни дунёга танитишимиз лозим. Биз боболарга хос миллат фарзандлари, набиралар бўлмоғимиз шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I – жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й.
2. Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II-жилд, “Фан” нашриёти, Т. 1965 й.
3. Ҳамиджон Ҳомидий “Даҳолар давраси”, Ғафур Ғулом нашриёти. Т.2018 й.
4. A.Muhammadjonov, “O’zbekiston tarixi” 7- sinf, “Sharq”nashriyoti 2009 y.
5. А. Норбоев, М.Жўмаев “Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий ахлоқий қарашлари”, ТДПУ, 2001 й.
6. С.Ўлмасов, Н. Очилов, “Абу Райҳон Беруний буюк қомусий олим”. “Fan va texnologiyalar” нашриёти, Т.2013
7. Норбоев А.О., Мадаминова Н.З. ЎзР ОЎМТВ миқёсидаги “Демократик ислохатларни чуқурлаштириш жараёнида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари” илмий – амалий анжуман материаллари “Ёшларнинг ижтимоий-фаоллигини оширишда таълим технологияларининг самарадорлиги”. 2018 й.

Мундарижа

1. Кириш.....	4
2. Алломанинг ҳаёт йўли.....	5
3. Мерос	9
4. Асрлар қаъридан қўл чўзган боболар.....	11
5. Беруний маҳорати (технологияси).....	14
6. Беруний оила маънавияти хусусида.....	22
7. Беруний - жаҳолат душмани.....	22
8. Аллома ўғитлари.....	32
9. Бунёдкорлик-улуғлик либоси.....	36
11. Ростгуйликда олам сирлари	38
12. Аллома олимлар нигоҳида.....	42

АБДУВАЛИ НОРБОЕВ, МАСТУРА ОВЛАҚУЛОВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
ХУСУСИДА

Qog‘oz bichimi: 60×84 ¹/₁₆.

Times New Roman garniturasida terildi.

Shartli bosma tabog‘i: 3.

Buyurtma № 137. Adadi: 300 nusxa.

«ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri Bunyodkor shoh ko‘chasi 27 A–uy.